



“ТАСЛИҚЛАЙМАН”
“Тошкент метрополитени”
ДУК бошлиғи

Усманов Р.Д.
2022 йил

“Тошкент метрополитени Сергели йуналиши курилиши” лойихаси
курилиш-монтаж ишларини назорат улчовидан утказиш буйича
ТЕХНИК ШАРТ

Хизматлар руйхати:	“Тошкент метрополитени Сергели йуналиши курилиши” лойихаси доирасида бажарилган курилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш (ажратилган бўлак қисми ва 2,3,4 бекатлар).
Объект номи:	“Тошкент метрополитени Сергели йўналиши курилиши”
Объект жойлашган манзил:	Тошкент шаҳри Сергели, Чилонзор ва Янгихаёт туманлари
Буюртмачи:	“Тошкент метрополитени” ДУК
Молиялаштириш манбаи:	“Тошкент метрополитени” ДУК маблағлари ҳисобидан
Курилиш-монтаж ишларининг киймати:	Объектда амалда бажарилган курилиш-монтаж ишларининг киймати: 108 000 000 000,0 сум (ККСни ҳисобга олган ҳолда)
Объектда бажарилган курилиш-монтаж ишларини назорат улчовидан утказишга қўйиладиган талаблар:	1. Назорат улчовини техник хавфсизлик талабларига катъий риоя қилинган ҳолда амалга ошириш. 2. Назорат улчовини тугридан-тугри объектга ташриф буюриш ва улчов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш. 3. Назорат улчовини амалга оширишда курилиш соҳасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларидан фойдаланиш. 4. Назорат улчови натижасига кура курилиш объектида ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмларида лойихадан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд бўлса, ушбу ҳолатларни курсатиш. 5. Ҳисоботларда арифметик ҳатоларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳисоб-китобларни текшириш. 6. Ҳисоботларга киритилган калькуляция ҳужжатларини, назорат улчови натижалари, лойих, ижро ҳужжатлари билан таккослаш. Назорат улчови давомида аниқланган маълумотлар асосида объект смета ҳисобини, локал смета ҳисобларини ишлаб чиқиш.
Нazorat улчовини утказиш мақсади:	1. Объект буйича барча молиявий-иктисодий хатарларни (финансовый риск) аниқлаш ва уларни бартараф этиш. 2. Назорат улчовини амалга ошириш мобайнида лойиха-

		смета ва ижро ҳужжатларидага номувофикликларни аниклаш ва бартараф этиш.
Ижрочига ва ижрочининг ходимларига куйиладиган талаблар:		1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 20.05.2020 йилги 321-сонли қарорига талабларига тулик мос келиши бунда: -Архитектура шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқариш бўйича лицензияга эга бўлиши мажбурий камида II- тоифа. - Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича лицензияга эга бўлиши шарт -Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан утказиш учун аккредитацияланган ташкилот бўлиши мажбурий -камида 3 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим - Тендерга тақдим этилган объектга ухшаш қурилиш-монтаж ишларида назорат ўлчовларини утказиш соҳасида мутахассислар томонидан амалга оширилиши зарур. 2. Ҳавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли объектларда рухсатномаси мавжуд бўлган камида 2 та ходим бўлиши мажбурий. 3. Қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича етарли қуникмаларга ва махсус сертификатга эга бўлган, Назорат ўлчовини таркибида шаҳарсозлик соҳасида камида энг камида 10 йиллик тажрибага эга бўлган 35 нафар олий маълумотли ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим. (сертификат ва диплом нусхалари илова қилиниши лозим) 4. Мазкур соҳада камида 40 дан ортиқ объектларда назорат ўлчовини амалга оширган бўлиши лозим (шартнома ёки далолатнома нусхалари тақдим қилиниши лозим)
Ҳужжатлар таркиби (бўйртмачи томонидан тақдим этилади):		Лойиҳа-смета ҳужжатлари (ПСД), бажарилган ишлар далолатномалари, таққослаш варақаси ва ташкилотнинг талабларига биноан назорат ўлчовларини амалга ошириш учун бошқа ҳужжатлар.
Объектда назорат ўлчовини утказиш муддати:		Олдиндан тўлов (бўнак) шартнома амалга оширилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) иш кун.
Назорат ўлчов ишларни тугатганда ва топшираётганда бўйртмачига тақдим этиладиган ҳужжатлар:		Объектда назорат ўлчовини утқазилгани бўйича тайёрланган ҳулоса, бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисоб-фактура, бўйртмачидан қабул қилинган барча ҳужжатлар., Фотоҳисобот, ҳар бир ўлчанган объектнинг ўлчамлари бўйича ҳисобот.
Назорат ўлчови бўйича тайёрланган ҳулосага қуйиладиган талаблар:		Назорат ўлчовлари натижалари бўйича тақдим этиладиган ҳулосага қуйидагилар қиради: - тугалланган қурилиш-монтаж ишлари тугрисида ҳисобот; - тугалланган қурилиш-монтаж ишларини асбоб-ускуналар воситасида ўлчаш натижалари тугрисидаги маълумотлар; - амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажминини

	хисоблаш; - смета нормативлари асосида шартнома, лойиха ва ижро хужжатларида келтирилган ҳақиқатда бажарилган ишларни баҳолаш, камчиликларни курсатиш; - смета нормативлари асосида шартнома ва лойиха хужжатларида келтирилган ишларни баҳолаш. Назорат улчови хулосалари Буюртмачига: - Урнатилган тартибда расмийлаштирилиб, А4 форматида чоп этилган ҳолда 3 нусхада; - Расмийлаштирилган хулосаларнинг сканер килинган нусхаси (флеш карта/дискда - pdf форматида), электрон шакли (флеш карта/дискда - Word, Excel форматида)
Ишларни бажариш тартиби, кетма-кетлик боскичлари, жадваллари, боскичли аванс тулови, шунингдек бажарилган шартнома шартларини боскичма-боскич тулаш тартиби	1. Бажарилган ишлар учун тулов шартномада назарда тутилган тартибда 30 (уттиз) банк куни мобайнида сумда банк утказмаси орқали амалга оширилади. 2. Бажарилган ишлар учун тулов амалда бажарилган ишлар учун томонлар курсатилган хизматлар ҳажмини тасдиқловчи хужжатлар илова килинган ҳолда курсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномасини имзолагандан сунг, буюртмачи томонидан курсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган ва ҳисобварақ-фактура олинган кундан бошлаб 10 (ун) банк куни ичида амалга оширилади. 3. Тулов мажбуриятлари, маблағлар буюртмачининг жорий ҳисобварагидан қучирилган пайтдан бошлаб бажарилган деб ҳисобланади. Буюртмачи маблағларнинг кейинги утиши учун жавобгар эмас. 4. Ижрочининг жорий ҳисоб варағи узгарган тақдирда, ижрочи бу ҳақда буюртмачини жорий ҳисобнинг янги тафсилотларини курсатган ҳолда бир банк иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда, буюртмачи томонидан шартномада курсатилган ижрочининг ҳисоб варағига маблағ утказиш билан боғлиқ барча хатарлар учун ижрочи жавобгар ҳисобланади. 5. Шартноманинг нархи қатъий белгиланади ва уни бажаришнинг бутун даври учун амал қилади.

“Тошкент метрополитени” ДУК

бошлиғи ўринбосари



С.Т.Жураев